

«Ўзбекгеофизика» АЖнинг
2022 йил _31_ август кунидаги
117-сон бўйругига
8 - илова

“Ўзбекгеофизика” Акциядорлик Жамияти
“Корупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати”
бўлими ходимларининг
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

“Ўзбекгеофизика” Акциядорлик Жамияти
“Корупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими бошлиғининг
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. Умумий қоидалар

1.1. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими бошлиғи (бундан буён матнда - *Бўлим бошлиғи деб юритилади*) раҳбарлар тоифасига киради.

1.2. Бўлим бошлиғи лавозимига олий юридик ёки иқтисодий маълумотга эга бўлган шахс очиқ танлов асосида тайинланади. Бўлим бошлиғи комплаенс ва/ёки хавф-хатарларни бошқариш, ички назорат ва/ёки ички аудит, хуқуқ ва/ёки иқтисодий хавфсизлик соҳасида камида 5 йил иш тажрибасига эга, бир жамоада ишлаш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

1.3. Бўлим бошлиғи лавозимига танлов асосида тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва лавозимдан озод қилиш “Ўзбекгеофизика” АЖ (бундан буён матнда - Жамият) Бошқарув раиси буйруғи билан амалга оширилади.

1.4. Бўлим бошлиғи бевосита Жамият Бошқаруви раисига бўйсунади.

1.5. Бўлим бошлиғи ўз фаолиятида қуидагиларга амал қиласиди:

Мазкур лавозим йўриқномаси;

“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими тўғрисида”ги Низоми;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органларининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар; меҳнат қонунчилиги;

Жамият буйруқ ва фармойишлари, Кузатув Кенгashi қарорлари;

Жамият Устави.

1.6. Бўлим бошлиғи билиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, шу жумладан коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ички меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар;

амалдаги фуқаролик, молиявий, маъмурий, меҳнат, солиқ, жиноят хуқуки ҳамда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонун ва қоидаларни қўллашдаги энг замонавий услублар;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги энг замонавий амалиётларни тадбиқ этиш, коррупцияга қарши тизимларни такомиллаштириш;

углеводородларга геология қидирув ишлари моҳияти;

компьютер техникаси, иш вазифалари доирасидаги алоқа ва коммуникациялар, шахсий компьютерда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги ва ёнгиндан сақлаш қоидалари.

1.7. Бўлим бошлиғи (хизмат сафари, таътил, касаллик) йўқлигига унинг вазифаларини белгиланган тартибда тайинланган бўлим ходими бажаради,

амалдаги меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда у тегишли ҳуқуқларга эга бўлади ва унга юклатилган вазифаларни тўғри бажариш учун тўлиқ жавобгар бўлади.

II. Хизмат вазифалари

2.1. Бўлим бошлиғи қуйидагиларни бажаради:

Жамият фаолияти, шунингдек, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти учун қўлланиладиган коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талабларини таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги энг яхши амалиётларни доимий таҳлил қилиш, шу жумладан миллий ва халқаро тавсиялар асосида Жамият ички ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш;

Жамиятда коррупция хавф-хатарларини баҳолаш методологиясига мувофиқ коррупцион хавф-хатарларини баҳолаш, Жамиятнинг коррупция хавф-хатарлари харитасини тузиш ва уни барча манфаатдор томонлар билан муҳокама қилиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш;

соҳага оид материалларни тайёрлаш ва Жамиятнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши кураш” бўлимида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий сахифаларида материалларни жойлаштириш ва маълумотларни янгилаш ишларини назорат қилиш;

ҳар чоракда Жамиятнинг ички қоидаларга мувофиқ коррупция хавфи юқори соҳаларда, шу жумладан битимлар ва тўловлар мониторинги назорат тартибида амалга оширади;

жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисбот бериш ва ушбу натижаларни манфаатдор шахсларга етказиш, шу жумладан бошқарув органлари (Бошқарув ва Кузатув Кенгаши) мажлисларида тақдим этиш;

давлат томонидан коррупцияга қарши кураш дастурлари доирасида Жамиятга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш.

2.2. Бўлим бошлиғи қуйидагиларни ишлаб чиқади:

Жамиятнинг коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлари лойиҳаси;

Жамиятнинг коррупцияга қарши ички меъёрий ҳужжатлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, Жамият учун мавжуд бўлган хавфларни камайтириш, шунингдек, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини яратиш билан боғлиқ тартиблар ва ички меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар;

Жамиятда коррупцияга қарши кураш чора-тадбирлари режаси (шу жумладан, йил давомида, шунингдек узоқ муддатга);

коррупцияга қарши масалалар бўйича ўқув материаллари тайёрлаш ва Жамият ходимлари учун тегишли тренинг ўтказади.

2.3. Бўлим бошлиғи иштирок этади:

коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ёки коррупцияга қарши тартиб-қоидаларни ўз ичига олган Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари лойиҳасини тасдиқлаш;

Жамият ички ҳужжатларига мувофиқ йиллик декларация тўлдириши мажбурий бўлган лавозимларда манфаатлар тўқнашуви йўқлиги ёки мавжудлиги аниқлашга доир тадбирларда;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ манфаатлар тўқнашуви кўриб чиқилгандা;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Жамият ходимлари учун ўқув режаларини тайёрлашда;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид мажлис ва ийғилишларида;

коррупцияга қарши кураш доирасида материалларни тайёрлашда, шунингдек соҳага оид Жамият иштирок этадиган ташки тадбирларни ўтказишида;

Жамият ходимлари орасида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тарғиб қилишида;

Жамият Ахлоқ комиссияси ичида эксперт сифатида;

коррупцион ҳуқуқбузарлик ва масалалари бўйича Жамият ходимлари, пудратчилар ва ҳамкорларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида иштирок этади, ушбу мурожаатлар бўйича ички текширувлар ўтказишида иштирок этади ҳамда бундай текширувлар натижасида айбдор деб топилган шахсларга жавобгарлик чораларини кўллаш бўйича таклиф беради.

2.4. Бўлим бошлиғи қуидагиларга амал қилиши лозим:

- коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлайди. Жумладан “Ўзбекгеофизика” АЖнинг “Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-ахлок” Кодекси, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати”, “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати”га тўлиқ амал қиласди;

- ушбу меъёрий ҳужжатлар талаблари ва уларда юклатилган мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олиш ва келажакда бу талабларни бажармаганда жавобгар бўлишини англайди;

- ўз фаолияти давомида юридик ва жисмоний шахслар ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора олишда воситачилик қилиш, улардан моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши, ташабbus кўрсатиш, рухсат ёки ваъда бермайди;

- иш жараёнида маълум бўлиб қолган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тегишли чоралар кўришни таъминлайди.

2.5. Бўлим бошлиғи қуидагиларни назоратини таъминлайди:

коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг коррупцияга қарши соҳадаги ички меъёрий ҳужжатлари асосида аниқланган ҳолатларни бартараф этиш, шунингдек, келгусида бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва чек қўйиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Жамиятнинг барча ходимларини ўқув режасига мувофиқ коррупцияга қарши машғулотларда ўтказиш ва иштирок этиш.

2.6. Жамиятнинг фаолиятига оид (операция) масалаларини коррупцияга қарши сиёсати ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини кўриб чиқади.

2.7. Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Жамият манфаатлари тўқнашуви ҳолатларининг реестрини юритилишини таъминлайди.

2.8. Жамият ходимларига коррупцияга қарши масалалар бўйича маслаҳат

беради (ходимларнинг мурожаатларига жавоб беради).

2.9. Жамиятнинг махсус ахборот коммуникация каналлари орқали коррупцияга оид фактлар бўйича ишларни, натижаларини таҳлил қилишни таъминлайди ва коррупцияга оид хатарлардан хабардорликни ошириш мақсадида таҳлилий материалларни манфаатдор шахслар эътиборига ҳавола этади.

2.10. Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупцион ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатли ходимларига кўмаклашади.

2.11. Бўлим бошлиғи Бошқарув раиси ва Жамият Кузатув Кенгашининг буйруқлари/қарорларига ёки Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

III. Ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Бўлим бошлиғи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Бўлим бошлигининг жавобгарлик соҳасига оид масалалар бўйича Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

3.2. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларидан ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар, хулосалар, бирламчи ва тасдиқловчи ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганиш;

3.3. Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга карши курашиш йўналиши бўйича умумий назоратни амалга оширади;

3.4. Бошқарув раиси буйруғи билан Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларига хизмат сафарлари уюштиради ва ходимларига коррупцияга қарши масалалар бўйича маслаҳатлар беради (ходимларнинг мурожаатлари жавоб беради), коррупция холатларини аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

3.5. Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўзининг расмий вазифаларини бажариш жараёнида зарур тижорат сирлари ёки бошқа қонуний ҳимояланган ахборот, шу жумладан, ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга.

3.6. Жамият буйруқ ва фармойишлари, Кузатув Кенгashi қарорлари асосида текширишларни амалга ошириш, ҳужжатларни талаб қилиш, Жамият ходимларидан ёзма тушунишилар олиш, шунингдек, бинолар, иншоатлар ва ускуналар кузатувдан ўтказиш, керакли ҳужжатлар нусхаларини қилиш ва текширувлар ўтказиш.

3.7. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича Жамият бошқарув раиси ва Кузатув Кенгашига таклифлар киритиш.

3.8. Қўйидаги ҳолларда Кузатув Кенгashiга бевосита мурожаат қилиши мумкин:

Бошқарув раисининг Жамиятда коррупцияга қарши тизимни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш чораларини кўрмаслиги (*шу жумладан коррупцияга қарши чоралар учун ресурсларни ажратишдан асоссиз бош тортини*);

Бошқарув раиси Коррупцияга қарши сиёsat ва бошқа Жамиятнинг

коррупцияга қарши тартиб-қоидалари ёки амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликни бузганлик учун тегишли чоралар кўрмаганда;

Бошқарув раиси томонидан Коррупцияга қарши сиёсат, бошқа коррупцияга қарши тартиб-қоидалари ёки амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари бузилганда.

3.9. Коррупцияга қарши кураш бўйича билим ва кўникмаларни такомиллаштириш.

3.10. Бошқарув раиси ва/ёки Жамият Кузатув Кенгашининг ёзма кўрсатмаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

3.11. Конун ҳужжатларида назарда тутилган барча ижтимоий кафолатлар.

3.12. Мехнат қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

Бўлим бошлиғи ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

3.13. Ушбу йўриқнома ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

3.14. Конунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

3.15. Жамият тизимида жиноят алматлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан Бошқарув раисига хабар бериш;

3.16. Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан Бошқарув раисига маълумотномалар киритиш;

3.17. Ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Жамият Бошқаруви раисига тақдим этиш;

3.18. Бўлим бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Жавобгарлик

4.1. Бўлим бошлиғи қўйидагиларга масъул:

Жамият Бошқаруви раиси қарорлари, фармойишлари, юқори органлар директивалари ва фармойишлари, буйруқлари ва кўрсатмаларини ва ўз вақтида бажариш;

ушбу лавозим йўриқномаси билан тайинланган расмий вазифаларни ва ўз вақтида бажариш;

Бўлим ходимларининг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ҳолатига;

“Ўзбекгеофизика” АЖ меъёрий ҳужжатларида белгиланган хизмат ва тижорат сирларини сақлаш.

4.2. Бўлим бошлиғи қўйидаги асосларда интизомий жавобгарликка тортилади:

ушбу лавозим йўриқномасида назарда тутилган расмий вазифаларини нотўғри бажариш ёки бажармаслик - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилигида белгиланган чоралар доирасида;

Жамиятнинг “Жамият коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”ни, “Одабаҳлоқ” Кодексини ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатларининг талабларини бузиш -Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлар талаблари асосида;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқбузарликлар содир этиш -Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида талаблари асосида;

мехнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларига амал қилмаслик - “Ўзбекгеофизика” АЖ ходимларининг ички меҳнат қоидалари асосида;

амалдаги қонун билан қўриқланадиган тижорат ёки бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар ва хужжатлардан асосиз фойдаланиш ва нусха кўчириш -Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари асосида;

моддий зарар етказиш - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган муддатларда.

**“Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамияти
“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими
етакчи мутахассиси
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ**

I. Умумий қоидалар

1.1. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими етакчи мутахассиси (*бундан буён матнда - етакчи мутахассис деб юритилади*) мутахассислар тоифасига киради.

1.2. Етакчи мутахассис лавозимига олий юридик ёки иқтисодий маълумотга эга бўлган шахс очик танлов асосида тайинланади. Етакчи мутахассис комплаенс ва/ёки хавф-хатарларни бошқариш, ички назорат ва/ёки ички аудит, хукуқ ва/ёки иқтисодий хавфсизлик соҳасида камидаги 3 йил иш тажрибасига эга, бир жамоада ишлаш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш кўнимкамларига эга бўлиши лозим.

1.3. Етакчи мутахассис лавозимига танлов асосида тайинлаш, лавозимга ўтказиш ва лавозимдан озод қилиш, “Ўзбекгеофизика” АЖ Башқарув раиси (*бундан буён матнда – Жамият деб юритилади*) буйруғи билан амалга оширилади.

1.4. Етакчи мутахассис Жамият ижро аппаратининг тасдиқланган тузилмасига биноан, бевосита “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими (*бундан кейин матнда – бўлим деб юритилади*) бошлиғига бўйсунади.

1.5. Етакчи мутахассис ўз фаолиятида қўйидагиларга амал қиласи:

Мазкур лавозим йўриқномаси;

Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низоми;

Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органларининг меъёрий-хукуқий хужжатлари;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги меъёрий-хукуқий хужжатлар; меҳнат қонунчилиги;

Жамият учун буйруқ ва фармойишлар, Кузатув Кенгаши қарорлари;

Жамият Устави.

1.6. Етакчи мутахассис билиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, шу жумладан

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ички меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар;

амалдаги фуқаролик, молиявий, маъмурий, меҳнат, солиқ, жиноят ҳуқуқи ҳамда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонун ва қоидаларни қўллашдаги энг замонавий услублар;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги энг замонавий амалиётларни тадбиқ этиш, коррупцияга қарши тизимларни такомиллаштириш;

компьютер техникаси, иш вазифалари доирасидаги алоқа ва коммуникациялар, шахсий компьютерда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

углеводородларга геология қидирув ишлари моҳияти;

меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги ва ёнғиндан сақлаш қоидалари.

1.7. Етакчи мутахассис (хизмат сафари, таътил, касаллик) йўқлигига унинг вазифаларини белгиланган тартибда тайинланган Жамият ходими бажаради, амалдаги меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда у тегишли ҳуқуқларга эга бўлади ва унга юклатилган вазифаларни тўғри бажариш учун тўлиқ жавобгар бўлади.

II. Хизмат вазифалари

2.1. Етакчи мутахассис қўйидагиларни бажаради:

Жамият фаолияти, шунингдек, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти учун қўлланиладиган коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талабарини таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги энг яхши амалиётларни доимий таҳлил қилиш, шу жумладан миллий ва халқаро тавсиялар асосида Жамият ички ҳужжатларига ўзgartириш ва қўшимчалар қилиш;

соҳага оид материалларни тайёрлаш ва Жамиятнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши кураш” бўлимида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида материалларни жойлаштириш ва маълумотларни янгилаш ишларини амалга оширади;

жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисбот бериш ва ушбу натижаларни манфаатдор шахсларга етказиш, шу жумладан бошқарув органлари (Бошқарув ва Кузатув Кенгаши) мажлисларига тақдим этиш;

давлат томонидан коррупцияга қарши кураш дастурлари доирасида Жамиятга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш.

2.2. Етакчи мутахассис қўйидагиларни ишлаб чиқади:

Жамиятнинг коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички меъёрий-хуқукий ҳужжатлари лойиҳаси;

Жамиятнинг коррупцияга қарши ички меъёрий ҳужжатлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, Жамият учун мавжуд бўлган хавфларни камайтириш, шунингдек, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини яратиш билан боғлиқ тартиблар ва ички меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар;

Жамиятда коррупцияга қарши кураш чора-тадбирлари режаси (шу жумладан, йил давомида, шунингдек узоқ муддатга);

коррупцияга қарши масалалар бўйича ўқув материаллари тайёрлаш ва

Жамият ходимлари учун тегишли тренинг ўтказади.

2.3. Етакчи мутахассис иштирок этади:

коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ёки коррупцияга қарши тартиб-қоидаларни ўз ичига олган Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлари лойиҳасини тасдиқлаш;

Жамият ички хужжатлариға мувофиқ йиллик декларация тўлдириши мажбурий бўлган лавозимларда манфаатлар тўқнашуви йўқлиги ёки мавжудлиги аниқлашга доир тадбирларда;

Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларга мувофиқ манфаатлар тўқнашуви кўриб чиқилгандা;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Жамият ходимлари учун ўқув режаларини тайёрлашда;

коррупцияга қарши кураш доирасида материалларни тайёрлашда, шунингдек соҳага оид Жамият иштирок этадиган ташқи тадбирларни ўтказишида;

Жамият ходимлари орасида коррупцияга қарши ҳатти-ҳаракатни тарғиб қилишда;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид мажлис ва ийғилишларида;

коррупцион ҳукуқбузарлик ва масалалари бўйича Жамият ходимлари, пудратчилар ва ҳамкорларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида иштирок этади, ишчи гурух аъзоси сифатида ушбу мурожаатлар бўйича ички текширувлар ўтказишида иштирок этади ҳамда бундай текширувлар натижасида айбор деб топилган шахсларга жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича бўлим бошлиғига таклиф беради.

2.4. Етакчи мутахассис қўйидагиларга амал қилиши лозим:

- коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун хужжатлари ва меъёрий-хукуқий хужжатлар талаблариға риоя этилишини таъминлайди. Жумладан “Ўзбекгеофизика” АЖнинг “Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати”, “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати”га тўлиқ амал қиласди;

- ушбу меъёрий хужжатлар талаблари ва уларда юклатилган мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олиш ва келажакда бу талабларни бажармаганда жавобгар бўлишини англайди;

- ўз фаолияти давомида юридик ва жисмоний шахслар ёки давлат иштироқидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора олишдан воситачилик қилиш, улардан моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши, ташабbus кўрсатиш, рухсат ёки ваъда бермайди;

- иш жараёнида маълум бўлиб қолган ҳукуқбузарликлар тўғрисида тегишли чоралар кўришни таъминлайди.

2.5. Етакчи мутахассис қўйидагиларни назоратини таъминлайди:

коррупцияга қарши қонун хужжатлари ва Жамиятнинг коррупцияга қарши соҳадаги ички меъёрий хужжатлари асосида аниқланган ҳолатларни бартараф этиш, шунингдек, келгусида бундай ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва чек қўйиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Жамиятнинг барча ходимларини ўқув режасига мувофиқ коррупцияга қарши машғулотларда ўтказиш ва иштирок этиш.

2.6. Жамиятнинг фаолиятига оид (операция) масалаларни коррупцияга қарши сиёсати ички меъёрий хужжатлариға мувофиқлигин кўриб чиқади.

2.7. Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлариға мувофиқ Жамият манфаатлари тўқнашуви ҳолатларининг реестрини юритилишини таъминлайди.

2.8. Жамият ходимлариға коррупцияга қарши масалалар бўйича маслаҳат беради (ходимларнинг мурожаатлариға жавоб беради).

2.9. Жамиятнинг маҳсус ахборот коммуникация каналлари орқали коррупцияга оид фактлар бўйича ишларни ташкил, натижаларини таҳлил қилишни таъминлайди ва коррупцияга оид хатарлардан хабардорликни ошириш мақсадида таҳлилий материалларни манфаатдор шахслар эътиборига ҳавола этади.

2.10. Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупцион ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатли ходимлариға кўмаклашади.

2.11. Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши тизимнинг ишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

2.12. Етакчи мутахассис бошқарув раиси ва Жамият Кузатув Кенгашининг буйруқлари/қарорлариға ёки Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатлариға мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

III. Ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Етакчи мутахассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Етакчи мутахассиснинг жавобгарлик соҳасига оид масалалар бўйича Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

3.2. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларидан ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар, хулосалар, бирламчи ва тасдиқловчи хужжатлар, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганиш.

3.3. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари буйича коррупцияга карши курашиш йўналиши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

3.4. Бошқарув раиси буйруги билан жамиятнинг таркибий бўлинмалариға хизмат сафарлари уюштиради ва ходимлариға коррупцияга қарши масалалар бўйича маслаҳатлар беради (ходимларнинг мурожаатлариға жавоб беради), коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш бўйича зарур чоратадбирларни амалга оширади.

3.5. Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлариға мувофиқ ўзининг расмий вазифаларини бажариш жараёнида зарур тижорат сирлари ёки бошқа қонуний ҳимояланган ахборот, шу жумладан, хужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга.

3.6. Жамият буйруқ ва фармойишлари, Кузатув Кенгashi қарорлари асосида текширишларни амалга ошириш, хужжатларни талаб қилиш, Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларидан ёзма тушунтиришлар олиш, шунингдек, бинолар, иншоатлар ва ускуналар кузатувдан ўтказиш, керакли хужжатлардан нусхалар қилиш.

3.7. Жамиятда ва унинг таркибий бўлинмалари коррупцияга қарши

курашиш тизимини такомиллаштириш, аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича ўзининг бевосита бошлиғига таклифлар киритиш.

3.8. Коррупцияга қарши кураш бўйича билим ва кўникмаларни такомиллаштириш.

3.9. Бошқарув раиси ва/ёки Жамият Кузатув Кенгашининг ёзма кўрсатмаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

3.10. Конун ҳужжатларида назарда тутилган барча ижтимоий кафолатлар.

3.11. Мехнат қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

Бўлим етакчи мутахассиси ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

3.12. Ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

3.13. Конунчилик ҳужжатлари талаблариغا қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

3.14. Жамият тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан бевосита раҳбарига хабар бериш;

3.15. Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-аҳлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан бошқарув раисига маълумотномалар киритиш;

3.16. Ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисботни Бошқарув раисига тақдим этишда иштирок этади;

3.17. Бўлим етакчи мутахассиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Жавобгарлик

4.1. Етакчи мутахассис қўйидагиларга масъул:

Жамият бошқаруви раисининг қарорлари, фармойишлари, юқори органлар директивалари ва фармойишлари, буйруқлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

ушбу лавозим йўриқномаси билан тайинланган расмий вазифаларни ўз вақтида бажариш;

Мехнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ҳолатига;

“Ўзбекгеофизика” АЖ ички меёрий ҳужжатларида белгиланган хизмат ва тижорат сирларини сақлаш.

4.2. Етакчи мутахассис қўйидаги асосларда интизомий жавобгарликка тортилади:

ушбу лавозим йўриқномасида назарда тутилган расмий вазифаларини нотўғри бажариш ёки бажармаслик - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилигида белгиланган чоралар доирасида;

Жамиятнинг Коррупцияга қарши сиёсатини, “Одоб-аҳлоқ” кодексини ва Жамиятнинг бошқа ички меёрий ҳужжатларининг талабларини бузиш - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлар талаблари асосида;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқбузарликлар содир этиш - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида талаблари асосида;

мехнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларига амал қилмаслик – “Ўзбекгеофизика” АЖ ходимларининг ички меҳнат қоидалари асосида;

амалдаги қонун билан қўриқланадиган тижорат ёки бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар ва ҳужжатлардан асосиз фойдаланиш ва нусха кўчириш - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида.

моддий зарар етказиши - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда.

Мен лавозим йўриқномасини ўқиб, бир нусхасини олдим ва мен бу нусхани иш жойида сақлаш мажбуриятини олдим.
